



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР САМАРАСИ

Зиядуллаев Махмуджон Джуракулович

Тошкент шаҳридаги Санкт-Петербург давлат университети Филиали
раҳбари, юридик фанлар доктори (DSc), доцент
e-mail: maxmud1970@rambler.ru

АННАТАЦИЯ:

Ушбу тайёрланган мақолада Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя жумладан, пенсия таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар, фуқароларга яратилаётган қулайликлар ва хориж тажрибалари ёритиб берилган.

Шунингдек, пенсия тайинлаш жараёнларини “проактив” усулдан фойдаланган ҳолда тайинлаш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибалари хусусан Нидерландия пенсия тизими тўғрисида батафсил маълумотлар ёритиб берилган. Хулоса қисмида эса “проактив” усулдан фойдаланган ҳолда пенсия тайинлаш билан бирга заруриятга қараб фуқароларга қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш имкониятини бериш таклифлари илгари сурилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: проактив, пенсия, ижтимоий ҳимоя, пенсия фондлари, устама, компенсация, иш ҳақи ва гонорар.

Ҳар бир давлатнинг асосий стратегик сиёсатининг таркибий қисми бўлиб ижтимоий сиёsat ҳисобланади, бу ҳалқ фаровонлигига, инсонларнинг тинч ва тотув яшашига, аҳолини, айниқса ижтимоий кам таъминланган қисми ҳисобланган пенсионерлар учун зарур яшаш манбаси бўлиб хизмат қиласди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ижтимоий сиёсатга асосий йўналиш сифатида эътибор қаратилиб, ижтимоий таъминотга муҳтоҷ бўлган аҳоли қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, бугунги Янги Ўзбекистоннинг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида қуидаги асосий ғоялар акс эттирилган:



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

- барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;
- аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш;
- аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш;
- халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш;
- мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимоя тизими бир йўналиш сифатида эътироф этилиб, маъмурий буйруқбозлиқдан воз кечган ҳолда, халқаро илгор тажрибаларни амалиётга жорий этиб аҳолига муносиб ижтимоий ҳимоя кўрсатиб келинмоқда.

Ижтимоий ҳимоянинг турли хуқуқий усуллари ва механизmlари мавжуд. Булар ижтимоий ёрдам, моддий ёрдам, моддий таъминот, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот, манзилли ёрдам, ижтимоий дафтарлар, ижтимоий муҳофаза каби тушунчалар билан акс этган.

Маълумки, ижтимоий таъминот асосан фуқароларга пенсия ва нафақа тайинлашда муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларни давлат пенсия таъминоти бщича пенсия олувчиларга охирги йилларда бир қанча имкониятлар ва қулайликлар яратилди. Жумладан, биргина пенсия ва нафақа тайинлашнинг айрим қўшимча хужжатлар талаб қилмайдиган масалалари “проактив” усулда тайинланиши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги” 592-сон қарорининг 105-банди 5-хатбошисида “Қўшимча тўлов 2015 йилнинг 1 майига қадар 100 ёшга тўлган ва ундан ошган пенсионерларнинг 2015 йилнинг май ойидан бошлаб пенсионер 100 ёшга тўлган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ҳар ойда пенсионернинг мурожаатисиз ахборот тизимидағи маълумотлар асосида «проактив» шаклда Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тайинланади” деб белгиланган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 октябрдаги “Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича қўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

тўғрисида”ги ПҚ-353-сон қарорида “2025 йил 1 марта бошлаб фуқароларга ёшга доир пенсияларни «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 7-моддасида белгиланган ёшга тўлиши муносабати билан алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартиби жорий этилади.

Бунда, ёшга доир пенсиялар Пенсия жамғармасининг ахборот тизими орқали тегишли вазирлик ва идораларро ахборот алмашинуви асосида олинадиган фуқаронинг иш стажи, иш ҳақи ҳамда бошқа маълумотларига асосан давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва меъёрларга мувофиқ ҳисобланади ва тайинланади.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, фуқароларга пенсия ёшига етиб меҳнат фаолиятини давом эттирган ҳолда кейинчалик ёшга доир пенсияга чиқиш истагини билдирганида проактив шаклда тайинланган пенсияни рад қилиш хукуқи берилади.

Белгилансинки, ёшга доир пенсия фуқаронинг кейинчалик қилган мурожаатига асосан давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган муддатларга мувофиқ қайтадан ҳисобланади ва тайинланади”, деб белгилаб қўйилган [2].

Хўш проактив усулда пенсия ёки нафақа тайинлаш деганда нимани тушунамиз?

Проактив усулда пенсия ва нафақалар тайинлаш – бу фуқаролар ҳеч қандай ариза топширмасдан автоматик равища уларга тегишли тўловларни олишини таъминлайдиган тизимdir. Бу усул асосан ривожланган ва рақамли технологиялар кенг жорий этилган давлатларда қўлланилади.

Маълумки бугунги кунда кўпгина тараққий этган давлатларда пенсиялар айнан шу усулда тайинланади. Проактив усулда пенсия ва нафақа тайинлайдиган айрим давлатларни мисол тариқасида кўрсатиб ўтамиз:

1. Эстония – электрон хукумат тизими яхши ривожланган бўлиб, пенсия ёшига етган фуқароларга автоматик равища пенсия тайинланади.
2. Финляндия – барча зарур маълумотлар давлат базаларида мавжуд бўлгани учун пенсия ва ижтимоий нафақалар автоматик равища тайинланади.



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

3. Дания – пенсия ва ижтимоий нафақалар фуқаролар аризасиз, автоматик тарзда ҳисобланади.

4. Германия – пенсия тизими маълум даражада автоматлаштирилган бўлиб, фуқаролар ҳеч қандай хужжат тақдим этмасдан пенсия олишлари мумкин.

5. Нидерландия – фуқаролар давлат базалари орқали мониторинг қилинади ва пенсия деярли автоматик тарзда тайинланади.

6. Австралия – пенсия тизими марказлаштирилган ва маълумотлар автоматик равишда ишлов берилади.

7. Канада – фуқаролар учун давлат пенсиясини автоматик равишда ҳисоблаш механизми мавжуд.

8. Сингапур – электрон давлат хизмати орқали пенсия ва ижтимоий нафақалар проактив тарзда тақдим этилади.

Шунингдек, кўплаб ривожланаётган давлатлар, жумладан Қозогистон ва Россияда ҳам проактив пенсия тайинлаш тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам рақамили технологиялар кенг жорий қиласанаётганлиги сабабли пенсия ёки нафақа шунингдек, моддий ёрдамлар турларининг айримлари ушбу усулда тайинланмоқда. Ушбу усулнинг аҳамияти жуда катта, жумладан фуқаролар овворагарчилиги, ортиқча сарф ва харажатлар олди олинади.

Проактив усулда тайинлаш учун шахсга доир маълумотларнинг барчаси маълумотлар базаларида акс этган бўлиши керак. Булар фуқаронинг туғилган вақти, яшаш жойи, меҳнат фаолияти, иш стажига қўшиб ҳисобланадиган фаолият турлари, имтиёзли иш стажини ҳисоб-китоб қилишга имкон берувчи ҳолатлар, иш ҳақлари, жумладан соатбай ишлаган даврлари ва иш ҳақи тарздаги барча тўловлар, гонорарлар, пенсияга қўшиб тўланадиган устамалар ёки компенсациялар олиш ҳуқуқига эга бўлганлигини тасдигини олиш имконини берувчи манбаалар, олий таълимда ўқиган даври ёки ҳарбий хизматни ўтаган даври каби муҳим масалалар электрон базаларда шаклланган бўлиши керак.

Албатта бу ҳолатларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида электрон базаларда шаклланиши қийин масала. Шунинг учун пенсияларни проактив усулда



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

тайинлайдиган кўпгина давлатларда прокатив усул билан бирга айрим зарур ҳужжатлар ёки аризалар қўшимча тақдим этилиши имкони мавжуд. Мисол учун дунёда пенсия тизими энг яхши ривожланган давлатлардан бири Нидерландия ҳисобланади.

Маълумки, Нидерландияда пенсия тизими уч даражали модель асосида ташкил этилган:

Жумладан:

Биринчи даражали - **Давлат пенсияси** (AOW – Algemene Ouderdomswet) тизими.

Бу барча Нидерландия фуқаролари ва мамлакатда доимий яшовчи шахслар учун мажбурий давлат пенсиясидир. Пенсия ёши 67 ёш, пенсияни ҳисоблашда давлат ҳудудида яшаган ҳар бир йили учун ва иш стажи учун фоизлар ҳисобланиши йўлга қўйилган.

Иккинчи даражали - Иш берувчилар томонидан молиялаштириладиган **корпоратив пенсиялар** (Қўшимча пенсия).

Кўпчилик компаниялар ва тармоқлар ўз ходимлари учун пенсия жамғарib бориш тизимига эга. Пенсияларни ҳисоблаш усули бўлиб ходим маошидан бир қисмини пенсия фондига тўлайди, иш берувчи эса ходимга қўшимча бадал тўлайди. Мамлакатдаги кўпгина соҳаларда бундай корпоратив пенсия схемалари билан ишлаш мажбурий ҳисобланади. Ушбу жараёнларни бошқарув органлари Пенсия фондлари ёки молиявий органлар бўлиб ҳисобланади.

Ушбу пенсия фондалардан айримлари, булар ABP (Algemeen Burgerlijk Pensioenfonds) – давлат хизматчилари учун, PFZW (Pensioenfonds Zorg en Welzijn) – тиббиёт ва ижтимоий соҳа ходимлари учун, BPF Bouw – қурилиш соҳаси ходимлари учун, PME (Pensioenfonds van de Metalektro), Металлургия ва электротехника саноати ходимлари учун мўлжалланган, PMT (Pensioenfonds Metaal en Techniek): Металл ва техника соҳаларида ишловчи ходимлар учун пенсия таъминотини таъминлайди, Pensioenfonds Vervoer: Транспорт ва логистика соҳаси ходимлари учун пенсия фондидир, Bedrijfstakpensioenfonds voor het Bakkersbedrijf: Нонвойхона саноати ходимлари учун мўлжалланган, Pensioenfonds Horeca & Catering: Мехмонхона



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

ва умумий овқатланиш соҳаларида ишловчи ходимлар учун пенсия таъминотини таъминлайдиган алоҳида фондлар ташкил этилган.

Учинчи даражали - шахсий пенсия жамғармалари (Ихтиёрий жамғарма) ҳисобланади.

Бу тоифага – жисмоний шахслар ёки якка тартибда ишловчи тадбиркорлар киради ва улар учун мўлжалланган хусусий пенсия режалари мавжуддир.

Шахсий жамғармалар, асосан банкларда ва инвестиция компаниялари орқали йўлга қўйилади. Агар шахс ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия фондига қўшимча маблағ киритса, бунга солик имтиёзлари мавжуд. Фрилансерлар ва тадбиркорлар учун бу муҳим ҳисобланади, чунки улар корпоратив пенсия схемасида иштирок этмайди.

Нидерландия давлатида пенсия тизими уч даражали моделга асосланган бўлиб, иккинчи даражада яъни иш берувчилар томонидан таклиф этиладиган қўшимча пенсиялар муҳим ўрин тутади. Бу даражада турли соҳалар ва касблар учун ихтисослашган пенсия фондлари фаолият юритади.

Дунёда энг яхши пенсия тизимига эга бўлган шундай давлатда ҳам пенсия тайинлаш жараёни маълум даражада автоматлаштирилган, лекин тўлиқ проактив усулда эмас. Буни қуйидаги вазиятларда кўришимиз мумкин.

Давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга пенсия ёшига яқинлашганда, давлат томонидан автоматик равишда хабарнома юборилади. Бу хабарномада пенсия олиш учун қандай қадамлар қўйиш кераклиги тушунтирилади. Шунга қарамай, фуқаролар пенсия тўловларини олиш учун белгиланган тартибда ариза топширишлари талаб этилади.

Корпоратив ёки шахсий пенсия тизимларда ҳам иш берувчилар ёки шахсий ташабbusлар орқали ташкил этилади. Ҳар бир пенсия фондининг ўзининг ариза бериш ва тайинлаш жараёнлари мавжуд бўлиб, улар ҳам автоматлаштирилган бўлиши мумкин, лекин фуқаролардан маълум қўшимча ҳаракатлар ҳам талаб этилади.

Шу сабабли, Нидерландияда пенсия тайинлаш жараёни тўлиқ проактив эмас, балки фуқароларнинг иштирокини талаб қиласди. Фуқаролар ўз вақтида



E CONF SERIES



International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Madrid, Spain

Website: econfseries.com

20th February, 2025

тегишли аризаларни топширишлари ва зарур хужжатларни тақдим этишлари ҳам лозим.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, республикамизда пенсияларни тайинлаш жараёнлари проактив усулига ўтказилиши билан бир қаторда қўшимча хужжатлар топширилиши ёки тайинлаган пенсиядан норози бўлган вақтларида қўшимча хужжатлар тақдим этиш хукуқлари сақланиб қолиниши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги” 592-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 октябрдаги “Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-353-сон қарори.
3. <https://lex.uz/acts/112314>
4. Махмуджон Зиядуллаев (2021). Право на социальное обеспечение в Узбекистане и радикальные реформы, проведенные в пенсионном секторе в 2017-2021 годах. Общество и инновации, 2 (8/S), 121-127. doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss8/S-pp121-127
5. Зиядуллаев, М. (2021). Право на социальное обеспечение в Узбекистане и радикальные реформы, проведенные в пенсионном секторе в 2017-2021 годах. Общество и инновации, 2(8/S), 121–127. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss8/S-pp121-127>.